

ОХРАНА ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ АСПЕКТЫ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ ПРИОРИТЕТЫ

Исаджанов А. А., д.э.н., профессор,
профессор,
Международная исламская академия Узбекистана,
Узбекистан, Ташкент

Аннотация. В статье рассмотрены проблемы формирования и развития международных и национальных стандартов охраны окружающей среды, выявлены особенности и приоритетные направления развития охраны окружающей среды Узбекистана в условиях реализации задач устойчивого развития.

Ключевые слова. Устойчивое развитие, охрана окружающей среды, международное законодательство, региональное сотрудничество, национальные приоритеты.

ENVIRONMENTAL PROTECTION: INTERNATIONAL ASPECTS AND NATIONAL PRIORITIES

Isadjanov A. A., DSc, professor,
professor,
Uzbekistan international islamic academy,
Uzbekistan, Tashkent

Abstract. The article examines the problems of formation and development of international and national environmental protection standards, identifies the

features and priority areas for the development of environmental protection in Uzbekistan in the context of implementing sustainable development objectives.

Key words: Sustainable development, environmental protection, international legislation, regional cooperation, national priorities.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ: ХАЛҚАРО ЖИҲАТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ УСТУВОРЛИКЛАРИ

**Исаджанов А. А., и.ф.д., профессор,
профессор,**

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Ўзбекистон, Тошкент**

Аннотация. Мақолада атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ва миллий стандартларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилади, барқарор ривожланиш вазифаларини амалга ошириш шароитида Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ривожлантиришнинг хусусиятлари ва устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Калит сўзлар. Барқарор ривожланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқаро қонунчилик, минтақавий ҳамкорлик, миллий устуворликлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Атроф-муҳит муҳофазаси ниҳоятда муҳим эканлиги барча учун аён бўлиб, яшаш учун табиатни асрашимиз, табиий ресурсларни оқилона бошқаришимиз, улардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз зарурлиги эътироф этилмоқда.

Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ва миллий стандартларини яратиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишда халқаро экологик ҳамкорлик жуда муҳим аҳамият касб этади, бунда - ер юзидаги барча мамлакатлар томонидан табиат муҳофазасига доир халқаро келишув - шартнома, конвенциялар тузиш, халқаро экологик меёрларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини такозо этади.

Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишда халқаро доирада қўйилган қадамлардан биринчиси 1913 йилда Бернда (Швейцария) 18 та давлат иштирокида "Табиатни муҳофаза қилиш" бўйича халқаро конференция ўтказиш бўлди [1]. 1923 йилда эса Парижда биринчи халқаро табиатни муҳофаза қилиш конгресси бўлиб ўтди [2].

Экология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик БМТ Уставининг тегишли қоидалари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948) [3]. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон муҳити бўйича конференцияси декларацияси [4].

Атроф-муҳит муаммолари бўйича Стокгольм конференцияси [5], Трансчегаравий атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция (1981) [6], Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция (1992) [7] ва бошқа актлар ва битимларга асосланади.

Аксарият мамлакатларда экология соҳасидаги миллий қонунчилик тизими халқаро экологик ҳуқуқ нормалари билан боғланган. Табiiй ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муносабатларни тартибга солишда миллий қонунчилик энг муҳим ролга эга.

Миллий экологик қонунчилик тизими одатда табiiй ресурслардан фойдаланишнинг энг муҳим тамойиллари ва шакллари белгиловчи, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва

экологик хавфсизликка қўйиладиган талабларни эълон қиладиган экологик ҳуқуқий муносабатларни конституциявий тартибга солишга асосланади.

Шу билан бирга, экологик қонунчиликнинг ушбу миллий тизими БМТ, Европа Иттифоқи даражасидаги халқаро конвенцияларни, давлат ва бошқа давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ратификация қилиш орқали халқаро ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 1985 йилги Озон қатламини ҳимоя қилиш конвенцияси (Вена), 1987 йилги Озон қатламини емирувчи бирикмалар бўйича протокол (Монреал), 1989 йилги Хавфли чиқиндиларни чегараларо ташишни назорат қилиш конвенцияси (Базел), 1992 йилги Биологик ранг-барангликни сақлаш конвенцияси (Рио-де-Жанейро), 1992 йилги Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенция (Нью-Ёрк) мавжуд [8].

Бу миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва қоидаларига мувофиқлаштириш билан халқаро экологик-ҳуқуқий нормаларнинг устуворлигини таъминлаш имкониятини яратади [9].

Сўнгги ўн йилликларда деярли барча мамлакатларда экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини тартибга солувчи миллий қонунчилик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стандартлари ишлаб чиқилди.

БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги 17 та миллий мақсад ва вазифаларининг 13, 14, 15-мақсадлари бевосита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги вазифалар ва йўналишларни белгилаб берган [10].

Ўзбекистонда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий стандартлари доирасида ҳуқуқий – меъёрий база яратилган. Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Конституциянинг 49 моддасида ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати

тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириши белгилаб қўйилган [11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган [12]. Фармон доирасида Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни билан ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Жаҳон иқтисодиётининг баъзи бир таҳдидлар ва муаммолар қаторида янги ривожланиш моделини шакллантириш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда. Маълумки, мустабид тизим сиёсати экологик муаммоларга эътибор қаратмади. Бунинг натижасида Орол денгизи фожiasi билан бирга бир қатор экологик таҳдидлар юзага келди .

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иқлим ва геологик-географик хусусиятлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг инфратузилмаси кўп турдаги ғавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини (сув омборларининг катта қисми сейсмик хавфли ҳудудларда жойлашганлиги, ғавқулодда экологик вазият, шунингдек, экологик офат ҳудудларининг

мавжудлиги, трансчегаравий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфининг ортиб бориши, экологик ифлосланиш кўламининг кенгайиши ва бошқалар) тақозо этади.

“2015–2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича сендай ҳадли дастури”ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрель 299-сон қарори қабул қилинди [13].

Ўзбекистонда ҳозирда экологик ёндашилган иқтисодиётни ташкил этишда, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда ривожланишни бир маромда барқарор ушлаб туриш, шунингдек, “яшил иқтисодиёт”га босқичма-босқич ўтилишини жорий қилиш мақсадида нафақат ички чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, балки глобал миқёсда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Ушбу стратегиянинг асосий мақсади иқлим ўзгаришига қарши тизимли курашишнинг илғор механизмларини жорий қилиш, яшил иқлим жамғармасининг ресурсларига йўл очиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, ишлаб чиқаришга “яшил технологияларни” жорий қилиш ҳисобланади.

“2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4477-сонли қарори қабул қилинди [14].

Табиий ва антропоген таъсири остида атроф-муҳитнинг сифат жиҳатидан глобал ўзгаришларини таҳлил ва башорат қилиш долзарб масалаларга айланиб бормоқда. Унинг натижасида кузатилаётган экологик таҳдидлар ва қалтисликлар моддий бойликларнинг йўқотилишига, уларни қайта тиклаш билан боғлиқ харажатлар эса йилдан-йилга ошиб бормоқда. Экологик қалтисликлар турли касалликларнинг авж олиши, аҳоли

саломатлигининг ёмонлашиши, ўлим даражасининг ошиши, кўплаб инсонларнинг миграция қилишга мажбур бўлиши билан ҳам боғланмоқда [15].

Жаҳон Иқтисодий Форумининг экспертлари 2024 “Жаҳон Риск ҳисоботи”да (Давос, Швейцария) глобал хавфлар қаторига экстремал об-ҳаво ўзгариши (мутахассислар умумий сонининг 66 фоизи), дезинформация (53 фоиз), ижтимоий ва сиёсий қутбланиш (46 фоиз) каби омилларни санаб ўтди [16].

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига энг заиф давлатлардан бири ҳисобланади. 1880 йилдан буён мамлакатда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6 даражага (13,2 дан 14,8 даражагача) ошиб, жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан ошиб кетди.

Мамлакат иқлими иссиқроқ ва қуруқроқ бўлиши кутилмоқда. Тез-тез ва кучли иссиқлик тўлқинлари, қурғоқчилик ва ёғингарчилик шаклларининг ўзгариши кучли ёғингарчилик ва тошқинлар каби экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг кўпайишига олиб келади [17].

Бу борада, иқлим ўзгариши билан бирга атроф-муҳит ифлосланиши туфайли иқтисодий зарарни ҳисоблашнинг аниқ ва ишончли натижасини таъминлаш долзарб масалалар қаторидан жой олган. Бунинг сабаблари сифатида қуйдагиларни эътироф этиш мумкин: иқтисодий зарар ҳажми кўп омилларга боғлиқлиги, иқтисодий зарар ҳажмига таъсир қиладиган турли статистика кўрсаткичларининг йўқлиги ёки уларни олиш мураккаблиги, иқтисодий зарар ҳажмига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқ баҳолашнинг мураккаблиги ва кўпинча имконсизлиги, атроф-муҳит ифлосланиши туфайли келиб чиққан зарар хилининг кўплиги.

Бундай муаммоларнинг ечими сифатида қуйдагиларни келтириб ўтиш мумкин бўлади:

биринчидан, қайта тикланувчи энергоресурсларнинг ривожлантириш стратегияси мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим ҳисобланади.

иккинчидан, ноанъанавий энергетика тизимини ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлик муаммоси ечилади; атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий таъсир камайтирилади;

учинчидан, углерод икки оксиди ва унинг эквивалентларини ажратувчи, чекланган энергия манбаларига боғлиқлик камайтирилади;

тўртинчидан, қайта тикланувчи энергоресурслар станциялари иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнес учун жуда қулай бўлиб, тоғли ҳудудлардаги шамол ва сув ресурсларидан ҳосил қилинган бундай энергия туфайли ишлаб чиқаришдаги маҳсулот таннархи 50 фоизга арзонлашади;

бешинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш механизмлари мамлакатлар томонидан экологик хавфсизлик объектларини таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг тегишли тизимларини биргаликда жорий этиш орқали доимий равишда такомиллаштирилиши зарур, улар мамлакатлар ва минтақаларнинг экологик манфаатларига таҳдид пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган экологик чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши керак. .

Фойдаланган адабиёт

1. Яценко Е. А., Международное сотрудничество в области охраны окружающей среды // Ученые записки Тамбовского отделения РoCМУ. 2019. №14. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-v-oblasti-ohrany-okruzhayuschey-sredy> (дата обращения: 16.03.2025).

2. Гурьева М. А. Международное экологическое сотрудничество // Теория и практика общественного развития. 2015. №14. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnoe-ekologicheskoe-sotrudnichestvo>.

3. Всеобщая декларация прав человека. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

4. Декларация Конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среды.

URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declarathenv.shtml

5. Декларация Конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среды.

URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declarathenv.shtml

6. Конвенция об оценке воздействия на окружающую среду в трансграничном контексте.

URL

: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/env_assessment.shtml

7. Конвенция о биологическом разнообразии.

URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/biodiv.shtml

8. Абдумажидов И. Атроф-табий мухитни мухофаза қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий стандартлари.

URL: [http://insonhuquqlari.uz/uz/news/atrof-tabiiy-muhitni-muhofaza-qilishning-xalqaro-va-milliy-huquqiy-standartlari#:~:text=1985%](http://insonhuquqlari.uz/uz/news/atrof-tabiiy-muhitni-muhofaza-qilishning-xalqaro-va-milliy-huquqiy-standartlari#:~:text=1985%20)

9. От огня и воды к электричеству. URL: <http://energetika.in.ua/ru/books/book-5/part-3/section-1>

10. Цели в области устойчивого развития. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/>

11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023. URL: <https://lex.uz/docs/6445145>

12. «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни мухофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/4574008>

13. 2015–2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури” ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрель 299-сон қарори. URL:<https://lex.uz/pdfs/4283790>

14. “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиклаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4477-сонли қарори. URL://lex.uz/uz/docs/4539502

15. Дмитриев В.Г. Оценка экологического риска. Аналитический обзор. URL: <https://narfu.ru/upload/iblock/cfb/11.pdf>.

16. World Risk Report 2024. WEF. 2024.// URL:https://www3.weforum.org/docs/WEF_The_Global_Risks_Report_2024.pdf

17. Министерство экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан. (2023). Национальный доклад о состоянии окружающей среды: Узбекистан. Международный институт устойчивого развития. URL:<https://www.iisd.org/system/files/2024-02/uzbekistan-state-of-the-environment-ru.pdf>